

Ижтимоий муҳофаза

САХОВАТ ЙЎРИҒИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид тадбирлар тўғрисида"ги Фармони Қашқадарё вилояти меҳнатқиллари томонидан ҳурсандчилик билан қўлиб олинди. Ушбу фармонни жойларда амалга ошириш ишлари қўғам бошлаб юборилди.

МУХБИРИМИЗ ВИЛОЯТ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ НАМОЗ ҚУВВАТОВ ВА "МАҲАЛЛА" ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАИСИНИНГ УРИНБОСАРИ РҲИДДИН РАҲИМОВЛАР БИЛАН Президентимиз фармонида белгилаб берилган имтиёзлар, ҳуқуқлар тўғрисида сўхбатлашди.

Н. ҚУВВАТОВ: Республика Президентининг "Қам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид тадбирлар тўғрисида"ги фармонида аҳолининг маълум бир қисmini ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўлиши аниқ тури — қам таъминланган оилаларга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам кўзда тутилган. Фармон шу йилнинг 1 октябридан бошлаб кўнча кўриштилади.

Даромади кам бўлган оилаларга, фуқароларга моддий ёрдамлардан баҳраманд бўлиш ҳуқуқлари берилди. Биринчи навбатда бундай ҳуқуқлардан вожа етмаган фарзандлари бўлган серфазанд оилалар, боқувчиси йўқотган ёки боқувчиси меҳнат қобилиятига эга бўлмаган оилалар, ёлғиз фахрийлар ва бошқа турдаги моддий ҳимояга муҳтож оилалар фойдаланадилар.

Бошқарманимиз фойдали асосан меҳнат фахрийларининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга, уларнинг дам олиб, даволанишларига кўмаклашшга йўналтирилган. Ходимларимиз Президентимиз томонидан амалга ошириладиган аҳолининг кам таъминланган, маълум қисmini ижтимоий ҳимоялашга қаратилган катта-кичик тадбирларни баҳрашида ҳам четда тўрбатишлари йўқ.

Айни чоғда фармон ижросини тўла амалга ошириш таъминлаш борасида таъйинланган ишлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Ижтимоий таъминот идораларининг мухтассслари, ходимлари кам таъминланган, серфазанд, боқувчиси йўқотган ёки боқувчиси меҳнат қобилиятига эга бўлмаган

қаторига киришни маҳалла, қўғам, қишлоқ ёки овул фуқароларининг йигини мустақил равишда белгилайди, тасвир этади.

Ҳар бир киши маҳалла ёки қишлоқда камол топади. Унинг қандай инсонлигини, нималарга қодир эканлигини биринчи навбатда маҳалла ёки қишлоқ аҳли аниқлайди. Демак маҳалла кишининг ижтимоий ҳимояга муҳтожлигини аниқ билади. Шунинг учун ҳам масаланинг бу томони бошқаруви маҳаллий органлари диққатига ҳавола этилган кўпчиликка маълум бўлади.


Аҳолининг ўзини ўзи бошқаруви кейинги пайтларда қишлоқ ва маҳаллаларда кадрларнинг қайта тиклаш, аниқлаштириш бийотиш имконини бермоқда. Аҳолининг катта қисmini жамият манфазатларига йўналтириш, уларнинг ўз қобилиятларини тўлақон равишда ишлатишга имкон яратилапти.

Маҳалла ва қишлоқларимизда эл-юрт ҳурмат-иззатига сазовор бўлган, ҳар бир қишлоқ ёки маҳаллага ўзининг юриш-туриши, ахлоқи, намунали оила бошлиғи экани билан ибрат бўлган кишилар фаолият кўрсатмоқдалар. Президентимизнинг ушбу фармони ҳам жойларда ана шундай оғули кишилар томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган.

Ҳўш, жамғармалар қай йўсунда, нималар ҳисобига ташкил топади, деган савол берилди. Жамғармаларнинг бир қисmini давлат бюджет маблағлари эвазига шаклланади. Қолган қисми эса кам даромадли, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга, оилаларга мадад қилиш чўзига имкон тоғган сазоворларга, инсонлар, айрим ташкилотлар, тадбиркорлик, фермер ва деҳқон хўжалиқлари тизими томонидан ўтказилган пул маблағларидан ташкил топади.

Жамғармаларга тушган маблағларни адолатли тарқатишда ёрдамга муҳтож биронга ҳам фуқаро оила назардан четда қолмишига қўй қўймастик учун махсус комиссиялар тузиш даркор.

Пўлат ГАЛОВЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.



ФАРАНЦИЯЛИК ОЛИМ ТАШРИФИ

Франциянинг машҳур Коллеж де Франс илмгоҳи профессори, таниқли шарқшунос ва илосмунос Мишель Тардье Тошкентдаги шарқ тиллари институтини талабалари ва профессор-ўқитувчилари ҳузурда бўлиб, ислом тарихи, Мовароуннаҳрда диний-фалсафий оқимларнинг пайдо бўлиши ҳақида маъруза қилди.

Олимнинг сафари мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг 1993 йил октябрий ойида Францияга давлат ташрифи чоғида имзоланган ҳар икки мамлакат ўртасидаги маданий, илмий ва техник ҳамкорлик ҳақидаги шартнома асосида амалга оширилмоқда.

(УЗА).

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

"Соғлом авлод учун" жамғармаси бошқаруви "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари тахририятлари билан ҳамкорликда "Ойла — жамият пойдевори" шiori остида суратлар танловини эълон қилади.

Профессионал ҳамда хаваскор сураткашлар тақдим этадиган суратлар авлодларнинг ўзаро алоқа-дорлиги, оилавий сулолалар, оиланинг жамиятдаги макъси, унинг маънавий қадриятлари, меҳнат ва ижтимоий фаолиятдаги, таълим, спорт машғулотлари, бадий ҳаваскорлик, уй-жойларнинг ободончилиги ва маҳалла ҳудудидаги ютуқлари ҳақида хикоя қилиши лозим.

Танлов шартлирига кўра 18х24 ҳажмдаги суратлар

негативи билан бирга кўйидаги манзил (тахририят) га юборилиши керак: 700000, Тошкент ш. Матбуотчилар кўчаси, 19. Энг яхши суратлар "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари саҳифаларида чоп этилади.

"Соғлом авлод учун" жамғармаси бошқаруви раисининг муовини А. Хўжаев, Тошкент ҳудудий бўлинимаси директори Р. Раҳмонова, жамғарманинг бош мутахассиси Н. Кузнецова, "Халқ сўзи"



газетасининг маъсул котиби Э. Болиев, "Народное слово" газетасининг маъсул котиби А. Тюрниковдан иборат журининг қарорига биноан танловга йил охирида якун ясаб, ғолиблар кўйидаги мукофотлар билан тақдирланадилар:

биринчи — 1.000 сўм.
иккинчи — 750 сўмдан.
учта учинчи — 500 сўмдан.

Барча талабгорларни танловда қатнашишга таклиф этамиз.

Шу кўннинг муаммоси

ЕТТИ ЎЛЧАБ, БИР КЕСАЙЛИК

Шуни оинқ эътироф этиш керакики, давлат тили қонуншунослик ҳамда ҳуқуқ соҳасида хали бирламчи ўрнига чиққан йўқ.

Кўп қўнларда дастлаб, рус тилида шакллантирилиб, кейин ўзбекчага ўғирляпти. Шунинг учун баъзи ҳолларда рус тилидан қилинган таржималар силлиқ ва равои чиқмапти, айрим ўғирларда фикр ва мазмун бўлиб, мавҳум тус олмақда. Баъзан юридик тушунчалар мазмунини билан деярли ҳисоблашмайди. Акс ҳолда "исключительное право" бир ҳужжатда

"мустанот ҳуқуқ" бошқасида "мулук ҳуқуқ", учинчисида эса "хос ҳуқуқ", тарзида берилмаган бўлур эди.

"Дееспособность" атамаси Конституцияда (117-м.) ва бошқа амалдаги қонунларда "муомала лаёқати", деб кўрсатилганга қарамадан, 1993 йил 6 майда қабул қилинган "Сугурта тўғрисида"ги Қонунда "салоҳият" деб ўғирляган (6-м.). Ҳолбуки, лойиҳа муҳокамасида мутахассслар "Халқ сўзи" газетаси орқали айнан шу ҳолатга эътибори қаратган эдилар-ку! 1933 йил 7 майда қабул қилинган "Даво кодекси"да "Давонинг эскириши ва судда кўриш эҳтимоли" (127 ва 135-м.) деган меъёлар бор. Русча нусхасида у "исковая давность и подсудность" деб кўрсатилган. Зеро бу ибора қончилиқда биринчи мартаба ишлатилган йўқ. 1963 йил 23 мартда қабул қилинган "Гражданлик кодекс"ида "исковая давность" — "давво муддати", амалдаги барча қонунларимизда "подсудность" — "суддога тааллуқли", деб ишлатиб келинади. "Судда кўриш эҳтимоли" ибораси билан — "суддога тааллуқлилик" ибораси ўртасида жуда катта фарқ борлигини унутмаслик керак.

Баъзан ҳуқуқий жиҳатдан турлича мақомга эга бўлган жараёнлар бир хил иборалар билан аталмоқда. Масалан, 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ҳўжалик-процессуал Кодексининг русча нусхасида "претензия" ва "иск"

сўзлари ўзбекча нусхаларда "давво" тушунчаси билан ифодаланган (9, 10 ва 53-77 моддалар). Ахир, ўзининг ҳуқуқий моҳияти, мазмунини, кўриб чиқиш, тартиб ва оқибатлари бўйича улар бир-биридан тамоман фарқ қилади-ку! Бу ўринда "претензия"ни ўзбекча

муқобили топилмаган, деб ўйлаш учун асос йўқ. Чўнки Давво Кодексида у (126-м.) — "эътироз" деб кўрсатилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шу ўринда яна бир афсусларни ҳолатини қайд этмоқ жоиз. Юқоридаги камчилиқ ва нуқсонлар, 6 минг 700 сўм-купондан иборат лўғат нашр этилганидан кейин қабул қилинган қонунларимизда ҳам кўплаб учрамоқда. Мазкур лўғатда айрим жузўйи нуқсонларга қарамадан, ҳуқуқшунослиқда кенг қўлланялаётган атамалар иборалар, асосан, тўғри берилган. Демак, қонунларимизнинг ўзбекча нусхаларини таъйёрлашда озгина қўн ва ҳафсала қилинса kifоя.

Қонун ҳужжатларини давлат тилида таъйёрлаш ва кейин бошқа тилларга ўғирш ҳар хил оинчилик ва мавҳум-ликлардан қўтулишнинг ягона йўли эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Атамаларни қўллашда лойиҳанинг ким томонидан ишлаб чиқилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Афсўски, баъзи қонунларимиз лойиҳаларини таъйёрлаш фақат, тегишли муассасаларгагина топширилмоқда. Ва бу аънаъага айланиб борапти. Бу бир томондан ижобий (чўнки ўша соҳанинг икки-чиқирларини мутасадди ходимлар ахши билишди) роль ўйнаса, бошқа томондан муассасалар ишлаб чиққан лойиҳаларнинг кўп ҳолларда тили ноаниқ ва мавҳум (мутахасссларгагина тушунарли) бўлади. Шунингдек унинг мазмунинида энг аввало ўша маҳкама манфазатлари устивор бўлиши мумкин. Унга барҳам беришнинг бирдан-бир йўли қонун чиқарувчи органларни ҳуқуқшунос, иқтисодчи, тилшунос ва снесатшунос мутахассслар билан таъминлаш зарур. Янги парламент — Олий Мажлис таркибини шакллантиришда масаланинг ана шу жиҳатини назардан қўчирмаслик лозим.

Юқоридаги тадбирларни амалга ошириш ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, имкониятларини бойитиш ҳамда ҳуқуқий давлат барпо этиш ишига муҳим ҳисса қўшиш билан баробардир.

О. ОҚИЛОВ,
ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

Ислоҳот қирралари

ЎЗБЕКИСТОН: ЖАҲОН ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯСИ ОСТОНАСИДА

Ривожланган мамлакатлар олимларининг фикрича, XXI аср ахборот узатиш асри, деб аталади. Чўнки бу соҳага жалб этилган кишилар сонин хозир тараккият этган давлатлар аҳолисининг 45-50 фоизини ташкил этади. Агар ахвол шу зайдга давом этареса, 2000 йилга бориб, ушбу кўрсаткич 85-90 фоизга етиши мўқарар.

Жаҳон ахлининг ана шундай илгор техникага йилинишдан мақсад нима? Умуман, ахборот узатишнинг халқ ҳўжалигида қандай аҳамияти бор?

Мазлуки, собик Иттифоқ даврида дунё телекоммуникацияси чикши тўғрисидаги масалалар панжа орасидан қаралди. Оқибатда узоқ вақт давомиде алимсодидан қолган алоқа тармоқларидан фойдаланиб келдик.

Ваҳоланки, ўша вақтдаёқ ривожланган давлатларда иқтисодиёт ва илмий-техник ахборот соҳаларида компьютер ҳамада электроника тармоқлари муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда эди. Айни чоғда эса хорижий мамлакатлар аҳолисининг деярли 70-80 фоизи ахборот узатишга доир эҳтиёжини қондириш мақсадида алоқа тармоқларидан фойдаланмоқда. Бунга телеграмма, тасвир, хабар, рўзнома сакифалаш, ҳисоблаш каби хилма-хил ахборотлар кирядики, уларни исталган нуқтага ҳеч бир қийинчиликларсиз узатиш мумкин.

Айниқса, ушбу алоқа-компьютерлар тармоғининг тадбиркорлар учун аҳамияти тоғат катта. Жўмладан, хориждан шериқлар ахтаришга, улар тўғрисида маълумотлар йиғишга, бозорнинг қўндалик ва келажак талабларини аниқлашга, миқозлар билан алоқа ўрнатиш ва корхоналарда ишлаб чиқарилаётган махсулот турлари тўғрисида ахборот тўғлашга имконият яратди. Кўрнинг бу тармоғини, компьютерли алоқа тармоғининг халқ ҳўжалиги соҳасидаги нафи бекибс. Шундай

экан, бозор иқтисодиёга қадам қўйган ҳар бир давлат автоматлаштирилган дунё тармоқларига уланганган улкан оптик тонали алоқа шохобчаларига эга бўлиши керак. Маданиятлаштирилган бозор иқтисодининг ягона талаби ҳам шу.

Ҳўш, бугунги бозор иқтисодиёти шaroитида Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида дадил қадамлар ташлаётган Ўзбекистон бу борада қандай ишларни амалга оширмоқда? У ахборот узатиш асрига қандай таъйирларни кўрмоқда?

Муволағасиз айтиш мумкинки, республикамиз мустақилликка эришган қўннинг дастлабки давларидаёқ жаҳоннинг энг кўза кўрилган давлатларининг компания ва фирмалари билан алоқани ахши йўлга қўйди. Бир қанча ҳукумат рабарлари билан бу борада икки томонлама шартномалар имзоланди. Ана шу тадбирларнинг самараси ўлароқ, 1992 йилдан бошлаб республикамизда қонит орқали узатадиган кўп каналли Халқаро телефон станцияси фаолият кўрсата бошлади. Бундан ташқари, мазкур чет эл фирмаларининг бевосита ташаббуси билан Тошкент, Самарқанд, Фарғона вилоятларида радио тўлқинлари узатадиган марказлар, кўп дастурли телевидение кўрсатувлари ва электрон рақамли АТСлар барпо этилди. Жўмладан, Фарғона вилоятида 55 минг рақамга эга бўлган автомат-телефон станцияси қўрилиш тўғлалигини арасида турибди. Бу масалада, айниқса, жаҳоннинг энг кўза кўрилган давлатлари — Япония, Жанубий

Корея, Германия ва Испаниянинг таърибаси ва аналйи ёрдамлари кўл келпти. Шунингдек, жаҳоннинг энг кўза кўрилган фирмаларидан 14 таси ақинда Ўзбекистоннинг электралоқа тармоқларини 10 йил иккида тўдан ўзгартиш стратегияси таклифи билан чиқиди. Улар ўртасида авваллари ўтказилган ўзаро Халқаро конкурсда "Буюк Британиянинг "КПМГ менежмент консўлтанти" ва "Куперс и лйббранд, Германиянинг "Детекон", Япониянинг "Ж-ТИ-ТИ-Ай", Нидерландиянинг "Неростел консўлтанти" ва Халқаро электралоқа иттифоқидан иборат 6 та фирманинг энг яхши таклифлари махсус тузилган комиссия иктерига топширилди. Ғолиб деб топилган фирма 7-9 ой икнда республика электралоқа воситаларини тақомиллаштириш тўғрисидаги тўла ишлаб чиқилган дастурий таъйирлайди.

Албатта, булар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ.

Кўрнинг таърибидики, Ўзбекистон том маънода маданий-илмий бозор оstonасида турибди. Қўнлаб чет эл сарможаларининг жалб этилаётганини бунинг ақол далилидир.

Тўғри, дастлабки қадамлар ҳамиша қийин ва унутмас бўлади. Энг асосийси эса, 2000 йилгача Ўзбекистонинг жаҳон телекоммуникациясига олиб чиқиш, мамлакатимизда халқаро транзитли телефон станциясини барпо этиш учун дунёнинг бир қатор машҳур фирмалари ўзларининг амалий таклифлари билан чиқашляпти. Республикаимизда Осиё-Европа Транс кабел магистралини қўриш лойиҳаси қўллаб-қувватланапти. Янги йиллар икнда ана шу мақсадлар амалга оширишга, тарихимизда янада ерқин саҳифалар пайдо бўлса аниқ эмас.

Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Бугуннинг гапи

шундаки, келин-куёвин никоҳдан ўтказишда ун-ўн беш транспорт воситаси кўчани тўлдириб ўтади. Улар бундай чоғларда йўл назорати ходимларининг мушукларини "пишт" демасликларига ишонганликларни учун роса ҳалдиладиган ошпади. Бундай

етказаетталикларини ҳаёлларига ҳам келтиришмайди. Бундай иллатга ҳам барҳам бериш керак. Кейинги йилларда унутилмаган жуда кўплаб миллий удумларимиз қайта тикланди. Илгарилар тўғриликларимизнинг завоқли ўтиш учун айтишувлар, аския,

туманида бир қатор тадбирлар белгиланган. Жўмладан, тўйчуларга наҳорда ош бериш таъдиб қилинди. Маҳаллалар ишнини мувофиқлаштириш туман кенгаши раиси сифатида мен бу ишни Сарой маҳалласидан бошлашни маъқул кўрдим.

Маҳалла қўмитаси раиси Ш. Азизов комиссия аъзолари билан ҳар бир хонадонда бўлиб, наҳорини ошнинг моҳияти юзасидан тушунириш олиб борди. Ахир, бундай маърака ушбу маҳалладаги наҳор эса, балки туманда биринчи марта ўтказилаётганидир-да. Хизматчилар ҳам тўйнинг қўндалтидек ўтишига мўносиб улш қўшляпти.

Тумандаги Полвонарик, Қўлбоси, Нўш, Тут, Найман, Деҳқонбод, Самарқанд ва бошқа маҳаллаларда элга наҳорда ош тортиш йўли билан сиригли ичим-

ликлар ичишга барҳам берилди. Аммо ҳали баъзи маҳалла қўмиталари фаоллари, қишлоқ оқсоқоллари йигилларининг раислари, ҳўжалик рабарлари бу муҳим ишга етарли эътибор бермаляптилар.

Бозор иқтисодиети туфайли рўй бераётган баъзи тақчилликлар ҳалол меҳнат эвазига қўн кемираётганлар учун осон кечмапти. Бели оғирмасдан пул топаётган шахсларнинг бир-бирига ўқийибди, "Мен сендан камми?" қабилда тўқизаетта лаббали тўйлари кишиларнинг гашига теғмоқда. Олдий меҳнаткаш эса уларга теғлашаман деб, қарзга ботиши турган гап.

Менимча, ошни наҳор пайти тортишни жорий этиш ҳам сарф-ҳаражатларни қамайтиришнинг муҳим йўли ҳисобланади. Иккони борида бу тадбирни жойларда кентроқ омаллаштириш керак, деб ўйлайман.

Р. ИНОЯТОВ,
Жомбўй тумани маҳаллалар ишнини мувофиқлаштириш кенгаши раиси.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 19

ЎЗТВ I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бутун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Бонг". Спорт кўрсатуви.
18.45 "Хазинамиз таянчи".
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Осийишталик посбонлари". Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...
20.10 "Жаҳон мусикаси дурдоналари". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шухрат Йўлдошев.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 Шароф Бошбеков. "Тақдир эшиги". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.30—23.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"Тошкент" студияси таништиради:
"Душанба" адабий-бадий видеоканали:
19.50 "Полапон".
20.10 "Мушоҳада".
20.35 "Фалакнинг гардиши".
21.00 "Қалба санчиб шеърятининг пичоғини...".
21.25 "Студиямиз меҳмони".
21.50 "Шунчаки саргузашт".
22.15 "Ҳафтаном".
22.45—23.50 "Тўтиқушли хоним". Бадиий фильм.

ЎЗТВ III
18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
19.30 "Мультикарусель".

19.40 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).

"ОМАД" таништиради:
20.40 "Совга".
21.10 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
21.30 "Суперспорт".
22.00 Ўзлонлар.
22.10 Видео — "О".
23.50 Ўзлонлар.
24.00 — 00.10 "Курьер".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 "Тигиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Эркак ва аёл".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.30 "Спорт уик-энди".
20.45 "Трагиклар ва комедиантлар". А. П. Чехов номидаги Москва Бадиий академик театрининг фильм-спектакли. Муаллиф — В. Арро.

Сешанба, 20

ЎЗТВ I
6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 "Санников ери". Бадиий фильм.
10.00 "Томоша". Фильм-концерт.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 Немис тили.
11.20 "Тошкент жилolari". Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 Ёшлар куйлаганда.
12.30—13.00 Янги альянслар ўрганамиз.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бутун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. "Қувноқлар даврасида".
18.35 "Ешлик" студияси. "Адолат". Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Навоийхонлик". Адабий кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 "Тошкент бўйлаб мусиқий саёҳат".
21.55 Телевизион театр почтаси. "Сўнгги ўқ" видеофильми ҳақида.
23.15—23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"ОМАД" таништиради:
19.50 "Мультифейерверк".
20.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Ўзлонлар.
21.00 "Видеога".
21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Ўзлонлар.
22.00 — 24.00 "Кинонигоҳ".

ЎЗТВ III
18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
19.30 "Мультикарусель".

"Тошкент" студияси таништиради:
19.40 "Эсдалик учун дастхат".
20.10 "Менинг кўчам".
20.25 "Ҳар соҳадан бир шингил".
20.45 "Антенна".
21.25 "Кинематограф". Чарли Чаплин фильмлари.
22.35 — 22.45 "Хотима".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
8.00 "Тигиз пайт".
8.15 "Шаддод Роза". Телесериал.
8.55 "Мавзу".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.30 "Илк маъбадан".
20.40 "Гол".
21.10 1994 йил кўшқлари.
21.55 — 23.45 Ғалабанин 50 йиллиги.
"Тирикларни қорлайман...". Бадиий фильм "Ягона йўл" ("Мосфильм", Югославия, 1974 й.).

Чоршанба, 21

ЎЗТВ I
6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 "Катта бўлишни хоҳламайман". Бадиий фильм.
9.55 "Ўқитувчилар, Сизлар учун!".
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).
11.15 Аляска саёҳатлари.
11.45 Лирик концерт.
12.15 — 14.15 "Нурли келажак". Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бутун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Ёшларлар учун. "Фарзанд — умид юлдузи".
18.50 "Ҳуқуқий жамият сари".
19.20 Спорт хабарномаси.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 Мусиқий дақиқалар.
20.10 "Тилга эътибор".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессияси олдидан.
22.10 Замонавий ўзбек кўшқларининг "АНОР" телевизион танлови.
23.10—23.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"Тошкент" студияси таништиради:
19.50 "Қардошлик оиласида".
20.25 Хор куйлардан концерт.
20.55 Зариповлар сулоласи цирк майдонида.
21.35 "Ўзбекистон спорти" (рус тилида).
22.05—23.40 "Беором кун". Бадиий фильм.

ЎЗТВ III
18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
19.30 "Мультикарусель".

19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
21.30 "Дидар" (қозоқ тилида).
22.10 "Би-Би-Си" янгиларлари (инглиз тилида).
22.25 "Мусиқий саёҳат".
22.55 "Уммондан томи".
23.25 АҚШда кичик бизнес.
23.55 — 00.10 "Си-Эн-Эн" янгиларлари (инглиз тилида).

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
8.00 "Тигиз пайт".
8.15 "Шаддод Роза". Телесериал.
8.55 В. Висоцкий хотирасига бағишланган кеча.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.30 "Монолог".
20.40 — 23.10 Э. Рязановнинг "Каромат" бадиий фильми премьераси.

Пайшанба, 22

ЎЗТВ I
6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 "Қалъа жавоб берди". Бадиий фильм.
10.00 Шифокор экран.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).
11.15 Инглиз тили.
11.45 — 14.15 "Гул бир енг, чаман бир енг". Мусиқий видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бутун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Ором".
18.40 Дутор ва танбур тароналари.
19.15 Футбол шарҳи.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Илҳом" телевизион клуби.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясида.
23.30 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
23.55—00.20 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"ОМАД" таништиради:
19.50 "Омад" тақвими.
19.55 "Жозиб".
20.30 "Бир шингил хангома".
20.30 "Муҳаббатта ошно қалблар".
20.50 Видео янгиларлари.
21.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Ўзлонлар.
22.00—24.00 "Кинонигоҳ".

ЎЗТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
19.30 "Мультикарусель".

19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
"Тошкент" студияси таништиради:
20.30 "Бутун олам — театр".
21.00 "Дискотека". Нон-стоп.
22.00 "Бош мухбиримиздан...".
22.20 "Дискотека". Нон-стоп.
23.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
"Навбахор" — "Политотдел". 2-тайм.

00.10 — 00.20 "Хотима".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30 — 8.00 "Тонг".

8.00 "Тигиз пайт".
8.15 "Шаддод Роза". Телесериал.
8.55 "Киноюлдуз". Ален Делон. Кўрсатуви С. Жигунов олиб боради.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.30 "Москва — Кремль".
20.55 — 22.45 Ален Делон "Кристина" бадиий фильмида (Франция, 1958 й.).

Жума, 23

ЎЗТВ I
6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 "Ошиқ бўёқчи ҳақида эртақ". Бадиий фильм.
9.50 "Ешлик" студияси. "Сирли остона".
10.30 Ўқув кўрсатуви. Тарих.
11.00 "Кўнгил кўзуси". Адабий кўрсатув.
12.00 Немис тили.
12.20 "Қалбим гавҳарисан, муҳаббат". Мусиқий кўрсатув.
12.55 — 13.25 "Гурур".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бутун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ешлик" студияси. "Ғазалхон ешлигим".
18.45 "Шеърли дақиқалар". Ҳусниддин Шарипов.
18.55 "Ислохот медаллари".
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Телеоператор нигоҳи билан...".
20.10 Илҳом Иброҳимов куйлайди.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясида.
23.30 "Юртимиз зиёси". Республика энергетикасининг 60 йиллигига бағишланган кўрсатув ва концерт.

00.30—00.55 "Ўзбекистон" ахбороти.
ЎЗТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"Тошкент" студияси таништиради:
19.50 "Ўтмишнинг келажак йўқи".
20.30 "Бўлиб кўйган яхши".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 "02" тўқилди.
21.50 "Деҳқон ҳиммати".
22.50 "Экология ва ҳаёт".
22.50 — 00.10 "Табор кўкка йўл олади". Бадиий фильм.

ЎЗТВ III
18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.

19.30 "Мультикарусель".
19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
21.30 "Дидар" (қозоқ тилида).
22.10 "Би-Би-Си" янгиларлари (инглиз тилида).
22.25 "Мусиқий саёҳат".
22.55 "Уммондан томи".
23.25 АҚШда кичик бизнес.
23.55 — 00.10 "Си-Эн-Эн" янгиларлари (инглиз тилида).

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
8.00 "Тигиз пайт".
8.15 "Шаддод Роза". Телесериал.
8.55 В. Висоцкий хотирасига бағишланган кеча.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.30 "Монолог".
20.40 — 23.10 Э. Рязановнинг "Каромат" бадиий фильми премьераси.

Шанба, 24

ЎЗТВ I
6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 "Қалъа жавоб берди". Бадиий фильм.
10.00 Шифокор экран.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).
11.15 Инглиз тили.
11.45 — 14.15 "Гул бир енг, чаман бир енг". Мусиқий видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бутун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Ором".
18.40 Дутор ва танбур тароналари.
19.15 Футбол шарҳи.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Илҳом" телевизион клуби.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясида.
23.30 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
23.55—00.20 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"ОМАД" таништиради:
19.50 "Омад" тақвими.
19.55 "Жозиб".
20.30 "Бир шингил хангома".
20.30 "Муҳаббатта ошно қалблар".
20.50 Видео янгиларлари.
21.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Ўзлонлар.
22.00—24.00 "Кинонигоҳ".

ЎЗТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
19.30 "Мультикарусель".

19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
"Тошкент" студияси таништиради:
20.30 "Бутун олам — театр".
21.00 "Дискотека". Нон-стоп.
22.00 "Бош мухбиримиздан...".
22.20 "Дискотека". Нон-стоп.
23.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
"Навбахор" — "Политотдел". 2-тайм.

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"Тошкент" студияси таништиради:
19.50 Болалар учун. "Табассум".
20.30 "Эсдалик учун дастхат".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 "Антенна".
21.55 "Менинг кўчам".
22.10 "Шаҳар тун оғушида".
22.30 — 00.40 "Кинематограф". Чарли Чаплин фильмлари.

ЎЗТВ III
10.00 "Қаҳрамон Дадаев ижро этади". Фильм-концерт.
10.30 "Бизнен мирас" (татар тилида).
11.10 "Кашфийетлар ва ихтиролар".
11.50 И. Савин, Ж. Тошинов. "Кўчада юрган факир". М. Ауэзов номидаги Қозоқ Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.05 "Ёшлар ижоди". Нигора Раҳимкулова куйлайди.
14.35 — 14.50 "Телеоператор нигоҳида". Сан-Диего.

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
19.30 "Мультикарусель".
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
19.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.05 "Вариацияли мавзу".
20.45 "Дўстлар планетаси".
21.25 "Би-Би-Си" янгиларлари (инглиз тилида).
21.40 "Ўзбекистон — қадрон уйимиз".
22.20 "Етти иқлим садоси".
22.50 "Си-Эн-Эн" янгиларлари (инглиз тилида).
23.05 Барча юлдузлар. Луи Армстронг.
23.50 — 00.10 "Бу ажиб дунё".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.10 "Ушангача ва ундан сўнг".
19.00 Олег Басиллашвилининг кузги марафони.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.45 — 23.05 "Коламбия пикчерс" таништиради. "Шунга қарамасдан". Бадиий фильм.

Якшанба, 25

ЎЗТВ I
7.00—9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Яшил чироқ". Ёш йўл назоратчиларининг слети ҳақида.
10.00 "Ешлик" студияси. "Ватанамга хизмат қиламан".
10.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадиий видео-фильм (Ҳиндистон). 85 — 86-сериялар.
12.00 "Шоҳрух" клуби.
12.30 "Виргалида куйлайми".
13.00 "Марду майдон". Хоразм вилоятидан кўрсатув.
14.00 — 15.30 Футбол бўйича УЕФА кубоги. "Витесс" (Голландия) — "Парма" (Италия).

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Цирк! Цирк! Цирк!".
18.45 "Сапғат маскани". Телефильм.
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Ҳафтаном" (рус тилида).
19.30 Ўзлонлар.
19.35 "Мультипанорама".
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Ҳафтаном".
21.00 Ўзлонлар.
21.05 "Ойна жаҳонда...".
21.25 "Якшанба оқшомида". Мусиқий кўрсатув.
22.00 "Ватанин севмоқ иймандандир...".
23.00 — 23.30 "Ҳафтаном".

ЎЗТВ II
17.00 "Совга".
17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
17.45 "Суперспорт".
18.15 Ўзлонлар.
18.20 Видео — "О".
19.55 Ўзлонлар.
20.00 "Курьер".
20.20 "Эм-Ти-Ви" дан мусиқалар.
20.50 "Суперспорт".
21.25 "Даракчи".
21.35 Ўзлонлар.
21.40 — 23.20 Видео — "О".

ЎЗТВ III
10.00 Замонавий ўзбек кўшқларининг "АНОР" телевизион танлови (такрор).
11.00 "Ташрифлар ва тақдирлар". Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида.
11.20 "Интердиалог".
11.50 "Шимоллик келин". Бадиий фильм.
13.05 "Арипан". Корей тилида кўрсатув.
13.35 — 13.50 "Телеоператор нигоҳида". Сан-Франциско.

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.


19.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
20.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.55 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан".
21.30 "Би-Би-Си" янгиларлари (инглиз тилида).
21.45 "Дунё ва биз". Ўзбекистон — Франция.
22.15 "Ҳафтаном".
22.45 "Мусиқий саёҳат".
23.15 "Спорт, спорт, спорт".
23.25 "Си-Эн-Эн" янгиларлари (инглиз тилида).
23.40 — 24.00 "Бу ажиб дунё".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.10 "Мусиқий жилolar".
18.30 Янгиларлар (сурдо таржимаси билан).
18.45 "Баскетбол жазаваси", "Ҳақиқий ажино оловчилар". Мультифильмлар.
19.45 "Бомонд".
20.00 "Парнас сари боқич". IV Москва халқаро телевизион мусиқий фестивали.
20.25 Ален Делон "Ушн" бадиий фильмида ("КТВ-1" ҳамда "Франс интернациональ" канали).
22.00 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатув.
22.50 — 23.30 "Бир боқишда муҳаббат".



КЎЧМАС МУПК - БУ ЎЛМАС САРМОЯДИР!
УНИНГ СОҲИБИ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ НАВОИЙ
ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ
БОШҚАРМАСИ 1994 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДА НАВОИЙ
ШАҲРИДА ЎТКАЗАДИГАН КЎЧМАС МУЛК БЎЙИЧА
КИМ ОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!


САВДОГА ҚЎЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:



"НАВОИЙ" МЕҲМОНХОНА КОМПЛЕКСИ

Навоий шаҳар Халқлар дўстлиги кўчасида жойлашган 7 қаватли бино "Сармиш" ресторани билан. Бир йўла 380 кишига хизмат кўрсата олади.

Дастлабки баҳоси 3 миллион сўм.



ҚУРИЛИШИ ТУТАЛЛАНМАГАН "САВДО МАРКАЗИ"

Навоий шаҳар, Мир кўчасида жойлашган 2 қаватли бино, ертўласи билан. Хизмат кўрсатиш майдони 650 кв.м., 100 кишилик ошхонаси билан.

Дастлабки баҳоси 1 миллион сўм.



ҚУРИЛИШИ ТУТАЛЛАНМАГАН КОМПЛЕКС БИНОСИ

Навоий шаҳар, Мир кўчасида жойлашган. 2 қаватли бино, умумий майдони 870 кв.м. Қурилиш таркибида почта, жамғарма банки, дорихона қурилиши мўлжалланган.

Дастлабки баҳоси 500 минг сўм.

11-СОНЛИ ДЎКОН
Хатирчи тумани К. Раҳматов жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган, замонавий услубда қурилган, 1 қаватли бино. Учта алоҳида зали мавжуд. Орқа томонида омборхоналари бор.

Дастлабки баҳоси 45 минг сўм.



"ОРОМ" ҚАҲВАХОНАСИ

Бир қаватли, пишиқ гиштдан қурилган бино, бир йўла 50 хўрандага хизмат кўрсатади. А. Қобилов жамоа хўжалиги марказида жойлашган.

ХАЛҚ СЎЗИ

ШАНБА УЧРАШУВИ

• Хотира


Бу дунёда энг яқин одамнинг, мушфику меҳрибон устозинг, бегараз дўстинг, ҳамдаму ўлфатинг, ҳамсару ҳамрозингдан айрилишдек оғир мусибат бўлмас керак. Мен устоз оламдан кўз юмгандан кейин узоқ яшамасам керак, деб ҳатто юмганим ҳам енгиллаштириб қўйган эдим. Бу ёруғ жаҳонда халқнинг меҳри, ёру дўстларининг тасаллиси, қолаверса, Абдулла Қаҳҳордек зарфотўғий, сўз зарғари билан кечирган умримнинг нурли хотиралари мени шу ёшга — 80 га олиб келди. Салкам йигирма олти йилдирки, мен ҳамдамсиз, ўлфатсиз умргузаронлик қилиб келмоқдам. Шу давр мобайнида у зотининг руҳи, улардан қолган зариф хотиралар бир сония ҳам мени тарк этгани йўқ. Устознинг хотира дафтларини арақлар эканман, Абдулла Қаҳҳор нақадар зарфотўғий, нақадар хазиржавоб, адабиётнинг нақадар ҳақиқий жонқури эканликларига ҳайратда қоламан. Азиз муштарийлар, устоз ҳаёт бўлганида бугун 87 ёшга қирар эдилар. Шу муносабат билан бугун устоз қўлаликларидаги баъзи бир фикрларни сизлар билан баҳам кўрмоқчиман.

Устоз 1960 йилда енг дафтларига қуйидаги сўзларни ёзиб қўйди: «Шоирларимиз "Колхозчилар ишлаганда, қанду навоёт тиллаганда" деб шер ёзишди. Булар бир кун ўша колхозчилар ўрнига бориб пахта терганда қаламлари бошқача юрар эди».

1962 йилда шу сўзлар туртки бўлиб, «Хуснузар» деган мақола ёзиб, «Литературная газета»да эълон қилгандилар. Устоз бу мақолада колхозчининг меҳнати оғир эканлигини таъкидлаб, унинг кўп қисми хотин-қизлар бўлиниги тушганини кўюб-пишиб ёзган эдилар. Қизларимизнинг ҳусну жамоли пахта жўяларида қолиб кетаяпти, булар қачон хил-хил қўйлақларни қияди, қачон ўзига оро беради, қачон боласининг тарбияси билан шуғулланади? Мавсумда 20 тоннага етказиб пахта терадиган аёлларимиз бор. Бу қанчалик оғир меҳнат эканлигини тасаввур қилиш учун шуни билиш kiffo: битта чанокдаги пахта 2-3 ярим грамм ҳисобласак, 20 тонна пахта териш учун мавсумда 6-7 миллион чанокча кўриш керак...

Тирноқ остида кыр қилдиридан баъзи бир шахслар бу мақолани буткул бошқача талқин қилишди. Шаҳар партия конференцияси чақирилиб, уни муҳокама қилишди. Конференцияда собиқ Киров туман партия комитетининг котиби шундай деган эди: «Совет ёзувчиси шундай хато, зарарли фикрларни айтганига таажжубланасан киши. У республикада пахтачиликни комплекс механизациялаш соҳасида қилинган жуда катта ишларни кўрмайди. Абдулла Қаҳҳорнинг принципларига таълими шунга кўрсатадики, шаҳар партия комитети ижодий ташкилотларнинг ишига тегишли эътибор бермайди. «Ўзбекистон маданияти» газетаси бу сабаб мақолани кўчириб босиб чикарганлиги бизни ажаблантиради».

УСТОЗ ЁН ДАФТАРИНИ ВАРАҚЛАГАНДА...



оркали ўрганишимиз керак? «Б» белгисини қўйиш учун «Б» қўйилганидан ҳамма рус калималарини ед билиш керак. Бечора бола бунга қаран билсин? Иттифоқчи республикаларнинг ҳукуқи тенг дейишди. Нима учун Русияда рус тили, Украинада украин тили давлат тили-ю, Ўзбекистонда ўзбек тили номига давлат тили?

Тил алифбога эмас, алифбо

Шу конференцияда иккинчи автозавод партия ташкилотининг секретари Петралин деган киши шундай деган: «...ёзувчи бу мақолада турмушимизни нотўғри тасвирлайди. Пахтакорларнинг олижаноб меҳнатини ерга уради. Бу ёзувчи турмушдан ажрилай қолганлигининг натижасидир ва ҳоказо...»

Устоз ҳеч қачон кабинетда ўтириб ижод қилмаган. Ёзилмак асарларининг қаҳрамонлари билан бевосита мулоқотда бўлмаган бўлсалар, мавзунини сира қаламга олмас эдилар. Бу сўзлар муаллифга нисбатан гирт бўлган эди.

Қуйидаги сўзларга эътибор қилинг, уларни бундан 30 йил муқаддам айтиш мумкинмиди? «Нима учун ўз тилимизни рус тили

тилга мувофиқ бўлиши керак. Тилчиларимиз рус тилининг қонунодаларини механистик равишда ўзбекчага кўчиришяпти. Бу қондалар ўзбек тилининг хусусиятларидан келиб чиқмагани учун бошбошдоқлик ҳукм сураяпти. «Сиесий» обрў ортирмоқчи бўлган «тилчиларимиз» тилимизнинг тараққиётига тўқсинлик қилишяпти.

Булар тилга мувофиқ алифбо тузиш ўрнига, тили ўзлари ўйлаб чиқарган алифбога мувофиқлаштирмоқчи. Хайратки, булар фалакитга аралашмайдилар, йўқса ўзлари жадал тузиб, қуёшга ҳам «Мана шу жадалга мувофиқ тутиласан!» дейишар эди...»

Амир Темурга тош отилиб юрган кезларда улар енг дафтларларига шундай сатрларни ёзиб қўйибдилар: «Ўтмишда қайси саркарда қон тўқмабди, қайси саркарда халқларнинг бошини силабди, Наполеон Франциядан бошқа ҳамма мамлакатларнинг халқини талаган, лекин унинг ҳарбий санъатига жаҳон саркаралари қойил қолган. Амир Темур ҳам Наполеон сингари топангани ўз пойтахтига олиб келган, Амир Темур Россияни Олтин Ўрданинг ҳужумидан сақлаб қолган».

Афсуски, мустақилликнинг абри найсонидан баҳраманд бўлолмадилар. Шоир бекорга айтмаганики:

Ҳеч равшандили дар ин олам,
Рўзий шодий надид бешаби ғам.
Яъни, ҳеч бир кўнли ерут инсон
бу дунёда қора тунни кўрмасдан
еруг қуни қўрган йўқ. Мана,
тангрига минг қатла шукрки,
қанчалар ҳам офтоб чиқди, мана,
ўзимиз ўзимизга хон, ўзимиз
ўзимизга бек бўлдик. Лекин
устознинг бутун орзу армонлари,
дарду ҳасратлари ичларида қолиб
кетди. Эндликда бирдан бир
тасалли шуки, улар айтолмаган
сўзларини, уларнинг орзу
армонларини шоғирдилар, бутунги
авлод ёзди, амагга оширдилар.

Кийини КАҲҲОРОВА.

• Ғўзаллик элчилари

РАҚС ҚИРОЛИЧАСИГА ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Пойтахтнинг бош майдонидagi турт қаватли салобатли бино ҳовлиларидан бирида жойлашган Мукаррама Турғунбоева музейини халқ кўпчилиги билмайди.

Аслида, ўз санъати билан дунени дол қолдирган, Иттифоқ тасарруфи пайтидаёқ Ўзбекистон номини жаҳонга ейган тақдорланмас санъаткор хотирасига зияратгоҳ ташкил этиш муҳлисларни кўндал безовта қилиб келарди. Бу хайрли ишнинг ташаббускорлари ҳам топилиди. Саъй-ҳаракатлари Маданият ишлари вазирлиги қўллаб-қувватлади. Бир чети «Баҳор» концерт залига туташиб кетган бинодаги қайсидир ташкилотнинг омборхонасига айлантирилган хона обдон таъмирланди. Садоқат ва ихлос тўғрисида бу маскан эндиликда



миқёсидаги ижодий сафарлар ҳақида етарлича ҳикоя қилиди.

ҲАКИМ САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига

“КИЧИК РАСАДХОНА” ТАЪМИРЛАНАДИ

Буюк мунажжим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига таъйиғарлик Самарқандда тобора кенг қўл очилмоқда.

Бунга Улуғбек номли истеъдодли ёшларни қўллаш республика жамағармасининг Самарқанд бўлими ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётир.

Ҳозирги пайтда жамағарманинг Самарқанд бўлими қошида ахборот-маслаҳат маркази ташкил этилди. У республикамизда фан, маориф ва таъдбиркорликни қўллаб-қувватлаш истагини билдирган тўққизта халқаро ташкилот билан алоқа

ўрнатди. Улар марказга яқинда 2000 Америка доллари миқдорда дарслик ва илмий-методик адабиёт юборишди. Бундан ташқари марказ аъзолари бўлган ёш олимлар ўз кўчлари билан шаҳар истироҳат боғида жойлашган «Кичик расадхона»ни таъмирлаб, уни фалакит илмига қизиқувчи болаларга совға қилишмоқчи.

М. МУҚИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭЪТИБОРГА МОЛИК ЕРЛАРИ—ОТКРИТКАЛАРДА

“Ўзбектуризм” миллий компанияси Малайзия матбаа фирмаси билан Ўзбекистон табиати ва архитектураси ақс эттирилган бир нечаюз минг почта-открискаларини чиқариш бўйича шартнома тузди. Рангли маҳсулотларнинг катта қисми келтирилиб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўлкамизда ташриф буюрган хорижий сайёҳлар бу открискаларни иштиёқ билан харид қилишяпти.

Зеро, ўлкамиз фахрланаси аризулик бой мерос, ўзига хос табиат ғўзаллигига эга. «Буюк ипак йўли» номи остида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа қадимий шаҳарларнинг тақдорланмас қиёфаси открискаларда марварид шодолари янглиғ ўз аксини топан. Улар орасида Хиванинг Пахлавон Маҳмуд мақбарасидан тортиб афсонавий Калта Минор минораси-ю, Ичон Қалъа ва арк деворлари тасвири ҳам бор. Бухородаги қадимий масжидлар, Самарқанддаги Ғўри

Амир, Улуғбек расадхонаси ва бошқа кўплаб меъморий ансамбллар, Ўзбекистоннинг эътиборга молик жойлари открискаларда ақс этгани, «Буюк ипак йўли» номи остида бйрлашган мажмуада уларнинг ҳар қайсисининг алоҳида ўз ўрни борлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Булар мамлакатда ва хорижда жуда кўпларга маълум ва машҳур жойлар, албатта. Бизнинг юрда яна қанчадан-қанча сураткаш ва расомлар эътиборига тушмаган жойлар бор. Бу ҳақда

“Ўзбектуризм” миллий компаниясининг тараққиёт бошқармаси бош мутахассиси В. А. Цой қуйидагиларни бизга сўзлаб берди: — Бундан икки йил олдин “Буюк ипак йўли” бўйлаб йўлга чиққан ЮНЕСКО экспедициясига ҳамроҳлик қилишнинг тўғри келди. Яна қанчадан-қанча маълум бўлмаган жойларга дуч келдик. Тошкентдан 130 километр узоқликдаги Пискент посёбаси яқинида қадимий Шохжувор шаҳарчаси ҳам шулар жумласидандир. Эътиборга молик томон шундаки, қадимий иншоотларнинг қолдиқлари аниқланганда, улар пишиқ гиштардан бунёд этилгани аён бўлди. Ахир шу нарсаларнинг ўзи илмий изланиш, тадқиқотларга молик ҳодиса эмасми?!

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда халқаро туризмни янада ривожлантиришга янгида янги имконлар туғдиради, албатта.

Э. НУРБЕКОВ,
штатсиз мухбири.

• Ўзбекистон ва жаҳон

ЮНЕСКО “АРТУР”НИ ТАНЛАДИ

Бир гуруҳ французлар автомашиналар билан 7.700 километр йўл босиб Бухороини шарифга келишди.

Улар бу сафар шунчаки эътибор бериб келмоқда. Бундай нозик ишни дунёда машҳур бўлган ва бажариш учун нега “Артур” ҳозирда деярли эътиборсиз қолган келатган маҳорати, таърибаси дунё халқларига яхши маълум. Мутахассислар ҳозир таъмир-ланаётган карвонсаройлар вақти келиб, хорижий сайёҳлар учун қўлай ва ғўзал меҳмонхоналарга айланади, дейишмоқда.

Маннон ОТАБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• Соғлом авлод учун

БИР ЙЎЛА УЧ ЎҒИЛ!

Тошкентлик 27 ёшли ҳамшира Мухайе Эркаева бир йўла уч нафар фарзанд кўрди. Бунинг устига учаласи ҳам ўғил.

Бўлғуси она икки ой мобайнида пойтахтимиздаги Чкалов номли авиабирлашманинг тиббиёт-санитария бўлими врачлари назоратида турди. Гўдакларнинг соғлом туғилиши учун барча чора-тадбирлар олдиндан кўрилди. Врачлар, ҳамширалар қатори бош врач Малика Усмонова ҳам кейинги кунларда тиним билмади. Кейинги уч кун мобайнида унинг ўзи ҳам Мухайенинг енида бўлди. Чунки бўлғуси онанинг ахволи шунга тақозо қиларди. Бир йўла уч фарзандни кутаётган онада қон камлиги ва бошқа тиббий муаммоларга дуч келиниши табиий ҳол, албатта. Шунга қарамай, врачлар ўз касбининг фидойилари эканлигини яна бир бор исботлашди.

Бу борада бош врачнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Шунсиз ҳам унинг зиммасида деярли ҳар кун оғир жарроҳлик ишларини бажариш каби юмушлар бор. Ёнг муҳини онани сақлаб қолиш ва


гўдакларнинг соғлом туғилишини таъминлаш эди. Бунинг учун хордиқ нималигини билмай кечю-ю кундуз сергак меҳнат қилишга тўғри келади. Шундай фазилатларни Малика Усмонова ўзида мужассамлаштирган.

— Малика Ғафуровнанинг кўли енгил, — дейишди ҳамкасблари у ҳақда гап кетса. — Бунинг устига у олижаноб қалб эгаси.

Ҳар қандай яхши врач учун бундан ортиқ таърифининг жоғати йўқ. Энди бу сўзлар республика бўйлаб тарқалади. Шунсиз ҳам ҳар қуни ўнлаб ки-шилар ушбу туруқхонанинг аҳил, ўз касбининг билан фидойиларига ишонч билан мурожаат қилишмоқда.

Уларнинг ҳар бири алоҳида эътибор билан кутиб олинган ва врачлар ўз бурчларини чуқур ҳис қилган ҳолда муносабатда бўлишяпти.

Гавҳар САОДАТОВА,
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.



Еш полизчи.

С. МУСАЕВ тасвири.

• Тарихимиз ақс-сабоси

КАРВОН ЙЎЛИДАГИ ХАЗИНА

Поп шахрита туташ “Маъна” жамоа ҳўжалигининг Азиза Бойбобоева бригадаси даласидан мис тангалар топишди.

Айтишларича, қадимий Ипак йўли худди шу ердан ўтган экан. Бу тангалар Темурийлар даврида ўтиб бораётган карвондан ўлжа сифатида олинган ё беркиб қўйилган бўлиши керак. Негаки, тангаларнинг кўзага ёки бошқа бирор идишга солинмасдан шунчаки қўйиб қўйилганлиги шундай ҳўлоса чиқаришга асос бўлади. Тангалар орасида ҳали зарб қилинмасдан, ҳомаше сифатида тайёрлаб қўйилганлари ҳам бор. Топилма лаборатория

шаронтида тозаланган, қачон, қаерда ишлаб чиқилганлиги маълум бўлади.

Қадимий тангалар барчанинг диққат-эътиборини тортиб турган бир пайтда Б. Матбобоев бошлиқ археологлар Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги Баландтепадан зардуштиялар динига таалуқли бўлган хўмга солинган марҳўм жасаднинг топиб олишди. Бу дин таълимига кўра, одам ўлгандан кейин эти устинидан ажратилиб, маҳсус идишларга солиб қўйилган.

— Топилма Марказий Осиёнинг кўп жойида учрайди, бироқ бу айтарли даражадаги янглин ҳам эмас, — дейди Б. Матбобоев, — бизин

ҳайратлантирадиган нарсаси шунки, жасад солинган хўмининг тузилиши, ўзига хослидир. Хўм сиртига етти қатор қилиб ҳар хил геометрик шакллар қилинган. Ҳатто, ўйиб солинган нақшлари ҳам бор. Безаклар орасида чопиб бораётган тулпор, тулпорга миниб олган афсонавий махлўқ, саккиз қиррали юлдуз, хўмининг теварак чеккасига чарчалак ва сув тўқинлари тасвири туширилган.

Ҳар икки топилма V—VII асрга оид ер ости сарангалари, кийим-кечаклар, уй рўзгор буюмлари, тақинчоқлар галереясини янада бойитиб, кўна ўтмишимиз, узоқ аждодларимиз, уларнинг диний тасаввурулари, санъати, ҳунармандчилиги ва урф-одатлари ҳақида қиматли маълумотлар беради.

О. НОМОЗОВ,
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

• Футбол

БУ ГАЛ ЖУРНАЛИСТЛАР МАЙДОНДА “БЕЛЛАШАПТИ”

“Овози тожик” газетасининг 70 йиллигига бағишланб мини-футбол бўйича журналистлар ўртасида мусобада ўтказилляпти.

Унда Тожикистоннинг “Ҳақиқати Ленинбод” газетаси билан бирга пойтахтимизда чов этиладиган республика газеталари ва Ўзбектелевизиокомпаниясининг футбол жамоаларидан иборат 12 та команда голлибк учун кураш олиб борапти. “Халқ сўзи” газетаси

жамоаси 5 очко жағарган ҳолда, ўз гуруҳида пешқадамлик қилиб келатган эди. Кеча “Халқ сўзи” жамоаси “Ўзбекистон овози”ни 8:4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ярим финалга йўллана олди.

Расул ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАЛҚ СЎЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

• ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64808.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир —
А. Бойқўзиёв, навбатчи —
Р. Жумаев.